

Тоҳир Малик

ОДАМИЙЛИК МУЛКИ

(Ахлоқ китоби)

Биринчи китоб

Тошкент
«Истиқлол»
2005

Масъул муҳаррир:
Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Тақризчи:
филология фанлари номзоди
Абдумурод ТИЛАВОВ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда - қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик.»

(Ал-Исро сурасидан)

ГУЛИСТОН ИСТА, ЭЙ КЎНГИЛ

Муқаддима ўрнидаги бу дастлабки боб мазкур китобга тартиб бериш сабаблари ва мақсадлари баёнидан иборатдир.

Ассалому алайкум, азизларим.

Сизлару бизларни гўзал суратда яратган ва чексиз неъматларга буркаган Раббимиз Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтамиз. Буюк Парвардигорнинг буюк иродаси ила буюк вазифаларни елкаларида кўтарган ва сизу бизга ҳидоят йўлини кўрсатган суюкли пайғамбаримиз Муҳаммадга салавот ва саломлар йўллаймиз. Аллоҳнинг инояти ва марҳамати ила кўп йиллик ниятимизни амалга оширмаққа киришяпмизким, бу ишимизни ҳам Яратганнинг Ўзи хайрли қилғай. Шу пайтга қадар бадий ижодда яхшими-ёмонми машқлар қилиб, ўзимизни синаб кўрдик. Сўнг одоб бобида биродарларимизга нафи тегар, деган умид билан «Меҳмон туйғулар» номида бир китобчага тартиб бердик. Сўнг уни тўлдириб, «Имонлашиш умиди» деган номда эътиборларингизга ҳавола этдик. Кейин эса фарзандлар тарбиясида фойдали бўлиб қолар, деган мақсадда бир рисола ёзиб унга «Жиноятнинг узун йўли» деб ном бердик. Бу йўналишдаги уринишларимизни энди мазкур одоб рисоласи ниҳоясига етказар, инша Аллоҳ!

Маълумингизким, ўтмишда ўтган устозларимизнинг аксари бадий асарлар ёзиш билан бирга ахлоққа доир рисоалар ҳам битганлар. Агар зийраклик билан кузатсак, ўтмиш адабиётимизнинг асосини одоб масалалари банд этган. «Адабиёт» - «одоблар тўплами» маъносини англатиши ҳам шундандир. Бадий асар қайси тарзда, қайси йўналишда ёзилмасин, одамларни тарбия қилишга, яъни яхшилик сари бошлаб, ёмонликдан қайтаришга хизмат этиши